

ЎЗБЕКИСТОНДА БУГУНГИ КУНДАГА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАҲЛИЛИ

Норбеков Аъзам Жиянмуродович
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Бизнес ва
тадбиркорлик олий мактаби тингловчisi

Инсон камолга етиши учун ёшлигидан илм ва касб-хунар эгаллаши шарт, илммаърифат инсоннинг маънавий камолотида ва жамият тараққиётида муҳим ўрин тутади. Илм эгаллаш ҳар бир ёш учун ҳам қарз, ҳам фарз. Инсон қадр-қиммати унинг “сийму зари” билан эмас, олган илму ҳунари билан баҳоланади. Бугунги қунда дунё ареналарида мамлакатимиз ҳақида сўз юритилганда “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” деган ибораларни кўп эшитамиз. Бу мамлакатимиз сўнгги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйгани, ҳар соҳада эришаётган ютуқларимизнинг эътирофи, десак адашмаган бўламиз.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Учинчи Ренессанс ва Янги Ўзбекистон ҳақида “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиш керак” деб таъкидлаганлар. Учинчи уйғониш даври мамлакатимизда янги асосларини белгилаб берди, кейинчалик бу давр инсоният олдида турган глобал дунёқараш муаммоларини ҳал қиласди. Бу бугун учун янада долзарбdir, чунки бизнинг жамиятимизда мафкура ўзгариши, инсоннинг дунёдаги ўрни ва бутун инсоният йўли ҳақидаги тушунчаси ўзгариб бормоқда.

Таълимга бўлган эътибор унинг сифатини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар давоми сифатида профессионал таълимни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон 2030” стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сон Фармонида “700 та профессионал таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва моддий-техника базасини такомиллаштириш. 14 та худудий профессионал тайёргарлик марказларини ташкил этиш, малака тоифасига эга бўлган педагог кадрлар улушкини 50 фоизга, масофавий ёки аралаш шаклларда ташкил этиладиган малака ошириш курслари улушкини 30 фоизга етказиш” вазифалари белгиланган.

Халқаро меҳнат бозори талаблари, интеграцион жараёнларнинг жадаллашуви, рақамлаштириш, саноатдаги технологик инқилоблар даврида замон талабларига мос малака ва кўникмаларга эга рақобатбардош ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш, касб-хунар таълими соҳасида янги тизимни халқаро андозаларга мос янги профессионал таълим тизимини талаб қилди.

Натижада касб-хунар таълими соҳасида ҳам давлат сиёсати тубдан ўзгарди. Президентимиз томонидан соҳада туб ислоҳотларни амалга ошириш ва замонавий профессионал таълим тизимини барпо етишнинг мақсад ва устувор вазифалари, бир сўз билан айтганда, соҳанинг янги миссияси белгилаб берилди. Ушбу миссиянинг моҳияти янги сифат ва форматда инсон ресурсларини ривожлантириш, ёшларда ички ва ташқи меҳнат бозори талаб қилаётган амалий билим ва кўникмаларни шакллантириш, уларнинг Ватанга муҳаббатини, халқига садоқатини юксалтиришдан иборатdir.

Ана шу миссияни кўзлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2019 йил 6 сентябрдаги Фармонига мувофиқ 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб янги профессионал таълим тизими, яъни 339 та касб-хунар мактаблари, 194 та коллеж ва 191 та техникумлар фаолияти йўлга қўйилди.

Профессионал таълим тизимида 2023 йилда таълим муассалари сони 704 та тани ташкил этиб, шундан касб-хунар мактаблари 330 та, коллежлар сони 166 та, махсус техникумлар сони 208 тани ташкил этади(1-расм).

1-расм. Профессионал таълим муассалари сони¹

Республика бўйича

• Проф.Тмлар сони 704 та •

Касб-хунар мактаб	330 та
Коллежлар	166 та
Техникумлар	208 та
Шу жумладан филиал	1 та

• Академик лицейлар 69 та •

Худудларда	45 та
Вазирлик тасарруфида	40 та
Хорижий ОТМлар тасарруфида	3 та
Ўқитувчилар сони	2 898 та
Ўқитувчилар сони	28 664 та

Тошкент шахри бўйича

• Проф.Тмлар сони 29та •

Касб-хунар мактаб	6 та
Коллежлар	12 та
Техникумлар	11 та

• Академик лицейлар 24 та •

Вазирлик тасарруфида	11 та
Бошқа Вазирлик тасарруфида	10 та
Хорижий ОТМлар тасарруфида	3 та
Ўқитувчилар сони	869 та
Ўқитувчилар сони	8 873 та

Мазкур таълим муассалари жами ўқитувчилар сони 26 768 та тани ташкил этади. Жумладан, касб-хунар мактабларида 16 164 та, коллежларда 4 307 та, маҳсус техникумларда 6 297 та ўқитувчилар ўз фаолиятларини олиб бормоқда.

Ушбу тизимда жами ўқувчилар сони 417 542 та тани ташкил этади. Жумладан, касб-хунар мактабларида 289 792 та, коллежларда 104 824 та, маҳсус техникумлар 22 926 та ўқувчилар таълим олмоқда (2.8-расм).

2.8-расм. Профессионал таълим тизимида ўқувчи ва педагогклар сони²

Республика бўйича

• Ўқитувчилар сони 26768 та •

Касб-хунар мактаб	16 164 та
Коллежлар	4307 та
Техникумлар	6297 та

• Ўқувчиларсони 417 542 та •

Касб-хунар мактаб	189 933 та
Коллежлар	88 261 та
Техникумлар	139 348 та

Тошкент шахри бўйича

• Ўқитувчилар сони 1 577 та •

Касб-хунар мактаб	360 та
Коллежлар	658 та
Техникумлар	559 та

• Ўқувчиларсони 26 446 та •

Касб-хунар мактаб	5 071 та
Коллежлар	6 482 та
Техникумлар	14 893 та

¹ Муаллиф томонидан тузилган. Ўзбекистонда профессионал таълим / 2023 / №1

²

Академик лицейлар сони 69 табўлиб, шундан худудларда 45 та, вазирлик тасарруфида 40 та, хорижий олий таълим муасссалари тасарруфида 3 тани ташкил этади. Академик лицейлар ўқитувчилар сони 2 898 та ўқувчилар 28 664 тани ташкил этади

Республикадаги 271 та профессионал таълим муассасаларида асосий таълим дастурларига қўшимча равишда 110 та касб бўйича 764 та қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди. Профессионал таълим муассасаларида архитектура ва қурилиш соҳасидаги тор ихтисосликлар бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ўқув жараёнига профессионал таълим муассасаларининг 151 нафар малакали ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари жалб қилинди. Бугунги кунга қадар қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш марказларини архитектура ва қурилиш соҳаси касблари бўйича муваффақиятли тамомлаган 5112 нафар битирувчиларга давлат намунасидаги сертификатлар берилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон 2030” стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сон Фармони. www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5812-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.11.2020 й. 715-сон “Ўзбекистон Республикасининг профессионал таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори